

О.А. Давранов,  
тадқиқотчи, ТТЕСИ

## ЖАҲОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

В данной статье описана роль и значение текстильной отрасли Узбекистана. Проанализированы три основных этапа развития мировой текстильной промышленности. Широко раскрыты международные соглашения по продаже хлопкового волокна в становлении отрасли после второй мировой войны, внедрение и поэтапная либерализация квот в международную торговлю, а также, изменения в периоде появления новых тенденций развития в мировой текстильной отрасли в последствии мирового финансово-экономического кризиса возникшего в 2008 году.

*In the article significance and place of national economy of textile industry in Uzbekistan was given three steps world textile industry developing was analyzed. Especially international agreement on international cotton fibre trade in recovery process of branch after the second world war, inculcation of quotas for international trade, and it's liberalization of step by step, so changes in period before new developing of tendentious in new textile industry as a result of world financial-economical bankrupt in 2008 was presented significance in developing of branch and asian state in world textile industry was given.*

**Калилти сўзлар:** тўқимачилик саноати, ташқи савдо, экспорт, импорт, квота, келишув, эркинлаштириш, бозорлар, инқизор.

Тўқимачилик саноати Ўзбекистонда жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда ушбу тармоқнинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 12 фоиздан юқори бўлмоқда[1]. Бироқ, бу кўрсаткич йирик хомашё базаси ва меҳнат ресурсларига эга бўлган давлат учун пастdir. Истиқболда тўқимачилик саноати имкониятларидан самарали ва оқилона фойдаланиш мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу устувор мақсадларга эришиш учун авваламбор, жаҳон тўқимачилик саноати ривожланишининг иқтисодий моҳияти, босқичлари ва унинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишни талаб этади.

Жаҳон тўқимачилик саноати ривожланишини қўйидаги асосий учта босқичга ажратиш мумкин:

**Биринчи босқич** – 1945 йилдан кейин тармоқни тикланиш жараёнидан бошлаб, то 1960 йиллар бошида халқаро пахта толаси савдоси бўйича халқаро келишув тузилган давргача.

**Иккинчи босқич** – халқаро савдога квоталар тизими амал қилган давр ва 1960 йилларда уни эркинлаштирилиши давридан то 2005 йилгача.

**Учинчи босқич** – 2005 йилда аввал амал қилган савдони чекловчи дастакларнинг бекор қилина бошланган даврдан то ҳозиргача. Бу босқичда

Хитойнинг жаҳон тўқимачилик саноатида ҳукмронлиги ва жаҳон бозорлари ислоҳ қилинишига олиб келди. Ушбу босқичга 2008 йилда юзага келган жаҳон молиявий-иктисодий инқизорни ҳам киритиш мумкин, чунки инқизор оқибатларида тармоқда янги ривожланиш тенденциялари намоён бўла бошлади. Жаҳон тўқимачилик саноати ривожланишининг юқорида келтирилган босқичларини батафсил таҳлил қилиб чиқамиз.

**Биринчи босқич. Икkinchi жаҳон урушидан кейинги янгиланиш.** Ушбу даврда халқаро савдо асосан мамлакатлар миллий иқтисодиётини ҳимоя қилиш сиёсати доирасида амалга оширилди. Ундан воз кечиши учун халқаро муносабатларни рағбатлантириш ва эркинлаштириш, иқтисодиётни интеграциялашув даражасини ошириш механизмларини топиш муҳим аҳамият касб этар эди. 1947 йилда “Тариф ва савдо бўйича бош келишуви” (ТСБК) халқаро савдо муносабатларини эркинлаштиришга катта ҳисса қўшди<sup>1</sup>. Айнан ушбу келишув 1947-1994 йиллар мобайнида халқаро савдо муносабатларининг асосий бошқарувчи дастаги сифатида хизмат қилди. ТСБК тартибини жорий этиш ва қўллаш натижасида халқаро савдонинг ҳажми 18 марта кўпайиб, ўртacha йиллик ўсиш суръати 6 фоизни ташкил этди [20]. Ушбу ижобий натижаларга қарамай, ТСБК жаҳон иқтисодиётининг айрим тармоқлари, шу жумладан енгил саноат, хусусан тўқимачилик саноатига тааллуқли эмас эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда халқаро пахта толаси савдосини тартибга солиш икки томонлама келишувлар доирасида ихтиёрий экспорт чекловлар тизими жорий қилиш шаклида амалга оширилди.

**АҚШ стратегияси.** Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда жаҳон тўқимачилик саноати ривожланишининг асосий харакатлантирувчи кучи сифатида АҚШ иқтисодиёти хизмат қилди, тармоқ айни пайтда жиддий зарап кўрган бўлиб, уруш тугаши билан юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ва хизматларга бўлган талабнинг ўсиши доирасида кескин ривожлана бошлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, АҚШда таъминот занжири<sup>2</sup> шаклланган эди ва аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишга осон мослаша олди. 1940 йиллар охирида мамлакатда тўлиқ бандликни таъминлаш [17] АҚШ миллий иқтисодий ислоҳотларининг устувор вазифаларидан бирига айланди ва бу миллий ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини сақлаб қолишга олиб келди. Пировардида, тўқимачилик саноати истеъмол бозорлари талабларига мувофиқ равишда юқори даражада бандликни таъминлаш заруратидан келиб чиқсан ҳолда барқарор ривожланиб борувчи, мураккаб технологияларга асосланган қўп сонли майда ишлаб чиқарувчилар кўринишида намоён бўлди. Ушбу ишлаб чиқарувчиларнинг асосий қисми кооперация

<sup>1</sup>ТСБК (GATT) - Тариф ва савдо бўйича бош келишуви халқаро савдони эркинлаштиришга қаратилган қўп томонлама институт бўлиб, у 1947 йилда кучга кирган. 1995 йилда ТСБК ГАТС (Хизматлар савдоси бўйича бош келишуви) ва ТРИПС (Интеллектал мол-мулк обьектлар савдоси бўйича келишуви)дан ташқари Жаҳон Савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг асосий келишувлардан бирига айланди.

<sup>2</sup> Таъминот занжири (ингл. - supply chain) тўқимачилик тармоғида 4 та асосий босқичга бўлиниши мумкин: қайта ишланмаган материаллар, шу жумладан табиий (пахта, жун) ва сунъий (полиэстер, нейлон) толаларни ишлаб чиқиш; эшилган ип ва матоларни тайёрлаш; тайёр қийимларни ишлаб чиқариш; таъминлаш ва сотиш.

алоқаларини шакллантирмаган ҳолда ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Хусусан, 1970 йил ўрталариға келиб Америка тұқымачилик маҳсулотлари бозорларининг қарийб 70% айнан мана шу майда мустақил компаниялар улушига тұғри келиб, улар таъминот бўйича қисқа муддатли шартномалар доирасида ўзаро муносабатда бўлди [5]. Ушбу муносабатлар халқаро рақобатдан ишончли ҳимоялаш шароитидагина узоқ вақт давомида сақланди, унинг йўқолиш хавфи фақатгина 1970 йил ўрталариға келиб сезила бошлади.

*Япониянинг юксалиши.* Тұқымачилик саноатининг мазкур ривожланиш босқичида Японияда ҳам пахта хомашёси ишлаб чиқаришда кескин ўзгаришлар юз берди. 1930 йил бошида пахта толасидан тайёрланган маҳсулотлар Япония экспортининг асосий йўналишларидан ҳисобланган. Тармоқнинг жадал ривожланиши пахта толасини импорт қилиш заруратини туғдирди ва импорт асосан Ҳиндистон ва АҚШ улушига тұғри келди.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида Япония тұқымачлик саноати бутунлай барбод бўлган ва кейинчалик, у Америка ишлаб чиқарувчилари кўмаги остида тикланди. АҚШ ўз маҳсулотини сотиш бозорини қидириб, хомашё, ускуналар етказиб бериш ва молиявий ёрдам кўрсатиш йўли билан тармоққа кенг қамровли кўмак бера бошлади. Ушбу ёрдам билан Япония 1951 йилга келиб жаҳон бозорида ўз ўрнини тиклаб, дунёда энг йирик пахта толасидан тайёрланган текстиль маҳсулотларини экспорт қилувчи давлатга айланди ва бу мавқеини 1967 йилгача сақлаб турди [4].

Ўз навбатида, Япония тұқымачилик саноатининг ривожланиши урушдан кейинги даврда давлатнинг ривожланиши учун стратегик муҳим ҳисобланган ва бу эса, АҚШ миллий бозорига хавф сола бошлади, чунки у бир вақтнинг ўзида иш кучини тўплаган, ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширилишини таъминлаган ва бозорни истеъмол товарлари билан тўлдирган. 1955 йилда ўз ишлаб чиқарувчиларини ҳимоялаш мақсадида АҚШнинг босими остида Япония ихтиёрий экспорт чекловлар (ИЭЧ)ни жорий этишга мажбур бўлди<sup>3</sup>.

Бироқ, АҚШ тұқымачилик саноатига фақатгина Япония ишлаб чиқарувчилари хавф солмаган. Жумладан, 1950 йиллар ўрталарида жаҳон бозорига катта таъсир кўрсатган Гонконг, Юнонистон, Ҳиндистон, Португалия, Жанубий Корея каби янги кучли ишлаб чиқарувчилар пайдо бўлди. Масалан, биргина Гонконгда 1956 йилда импорт ҳажми 0,07 млн. долл.ни ташкил этган бўлса, 1960 йилга келиб 63,5 млн.долл.га етди [13]. АҚШ ҳукумати ўз ишлаб чиқарувчилари манфаатларини ҳимоялаш мақсадида 1959 йил ноябрда ТСБК вазирликлар анжуманида ривожланаётган давлатларда тұқымачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг кескин қўпайиши шароитида импорт қилувчи давлатларнинг иқтисодий ривожланишига таъсир этиши мумкин бўлган хавфларни муҳокама қилди. Натижада, 1961 йилда халқаро пахта савдоси бўйича қисқа муддатли келишув тузилди, бу эса квоталаш даври бошланишига туртки бўлди.

*Иккинчи босқич. Қвоталаш ва эркинлаштириши жараёнлари. Янги*

<sup>3</sup> Ихтиёрий экспорт чекловлар (ИЭЧ) – божхона-тариф ҳимоясининг дастаги бўлиб, экспорт қилувчи давлат томонидан ўз экспорт ҳажмига чекловларни жорий этишдир. Одатда ИЭЧ музокаралар натижасида ва импорт қилувчи давлат талабининг таъсири остида жорий этилади.

ишилаб чиқарувчилар. Тўқимачилик саноати ривожланишининг ушбу босқичида йирик ишилаб чиқарувчилар ўртасида кескин ўзгаришлар рўй берди. Юқорида айтиб ўтилганидек, XX асрнинг 50-60 йилларида Япония тармоқнинг асосий етакчиларидан эди, 70-80 йилларга келиб эса, бу ўринни Гонконг, Тайвань, Жанубий Корея эгаллаган. 1980 йил охири ва 1990 йил бошига келиб “катта учлик” (Гонконг, Тайвань, Жанубий Корея) ва бошқа ривожланаётган давлатларда катта ўзгаришлар юзага келди. Шу билан бирга 1980 йилларда Хитой, Индонезия, Малайзия, Таиланд, Филиппин ва Шри-Ланка, шунингдек 1990 йилларда Жанубий Осиё ва Лотин Американинг бошқа давлатлари ҳам кескин ривожланиш кузатилди.

Хусусан, ушбу босқич халқаро таъминот занжирини шакллантириш йўли билан глобал савдога янги ишилаб чиқарувчиларни кенг жалб қилиш билан тавсифланади. Бунинг асосий сабабларидан бири маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган доимий босим ўтказишдан ташқари, сақлаб қолинган квоталар тизими ҳисобланди. Жумладан, Жанубий Корея ишилаб чиқарувчилари Бангладеш, Кариб ороллари ва Сахара олдида жойлашган Африка мамлакатларида ишилаб чиқаришни ташкил этиш учун катта ҳажмда инвестиция киритди. Шу жумладан, Хитой ишилаб чиқарувчилари, ўз навбатида, бир қатор Осиё ва Африка давлатларига инвестиция жалб қилди. Масалан, Лесото, Мадагаскар ва Кения каби давлатларда тўқимачилик саноати фақатгина Хитой ва Тайвань ишилаб чиқарувчилари ҳисобига, Непал тўқимачилик саноати эса – Хиндистон инвесторлари ҳисобига ривожланди [14]. Шуни таъкидлаш жоизки, Шри-Ланка каби нисбатан майда ишилаб чиқарувчилар Мальдив ороллари ва Мадагаскар бозорига кенгроқ кириб бориш сиёсатини олиб борди. Натижада квоталаш тизими тармоқнинг кенгайиши ва дунёдаги қашшоқ давлатларнинг ривожланишига туртки бўлди. Аммо, бу кенгайиш ҳар доим ҳам ва ҳар жойда узоқ давом этмади. Масалан, Бангладеш ва Непалда хорижий инвестициялар ривожланаётган ички бозорда миллий ишилаб чиқарувчилар фаоллиги ошиб бориши билан ушлаб турилди. Бироқ, Мальдив оролларида тармоқ чет эл инвесторлар ҳисобигагина фаолият кўрсатган, уларнинг йўқ бўлиши билан ушбу тармоқ давлат иқтисодиётидан бутунлай йўқолди [2].

*Тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича келишув.* Мазкур босқичда АҚШ ва Европа бозорлари квоталаш тизими билан ишончли ҳимояланган ва сифат жиҳатдан ўсиш билан тавсифланди, бу эса, харажатларни пасайтириш нуқтаи назаридан эмас, балки сифат, дизайн ва технологияларни яхшилаш соҳасида рақобатни кучайтиришга имкон берди. Бироқ, йирик ишилаб чиқарувчиларнинг ўзгариши ва тармоқ етакчилари ҳисобланган ривожланаётган давлатлар ролининг ошиши жаҳон миқиёсида тармоқни тартибга солиш тизимини қайта кўриб чиқиши талаб қилди.

Тариф ва савдо бўйича бош келишуvinинг (ТСБК) қоида ва тартиби 2005 йилгacha халқаро тўқимачилик савдосига амал қилинмаган. Бу ерда муносабатларни тартибга солиш Халқаро пахта толаси савдоси бўйича қисқа муддатли (1961 йилда имзоланган), кейинчалик, узоқ муддатли (1962 йилда амалга киритилган) келишувларга мувофиқ ўрнатилган квоталаш тизими орқали амалга оширилган.

Ушбу иккита ҳужжат асосий импорт қилувчи давлатлар учун квоталаш тартибини акс эттирган. 1974 йилда ушбу ҳужжатлар бошқа хомашё турларига ҳам амал қилиниб, Тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича Келишув учун асос яратиб берди. Ушбу Келишув АҚШ ва Европа миллий иқтисодиёти тармоқларини ривожланаётган давлатларнинг рақобатчи ишлаб чиқарувчилардан ҳимоялашнинг энг самарали дастагига айланди. Дастреб Келишув иштирокчилари фақат пахта толаси савдосига чекловлар қўйган. Кейинчалик эса, улар ушбу чекловлар, ҳам расмий, ҳам норасмий равишда уларни барча турдаги, ҳам табиий, ҳам сунъий тола савдосига жорий қилинди.

Жиддий чекловлар халқаро ишлаб чиқаришни парчаланишига сабаб бўлди. Хусусан, 1970 йилларда тармоқда етакчи ҳисобланган давлатларнинг (Гонконг, Тайвань ва Жанубий Корея, кейинчалик Хитой) экспорт ҳажми юқори даражага етгандан кейин айрим ишлаб чиқариш йўналишлари ўз квоталаридан тўлиқ фойдалана олмаган Бангладеш, Вьетнам, Индонезия, Малайзия, Таиланд, Филиппин ва Шри-Ланка каби давлатларга ўта бошлади, бу эса уларга 1980 йилларда етакчи ўринни эгаллашга сабаб бўлди [8].

Тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича келишув халқаро савдони эркинлаштиришга ўтиш учун энг мураккаб йўл эди. У бир вақтнинг ўзида ҳам ривожланган давлатлар, ҳам ривожланётган давлатларни хавотирга солди. Ривожланган давлатлар – бозорларни ислоҳ қилиш ҳамда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг банкрот бўлиш хавфи, ривожланаётган давлатлар эса – жаҳон ишлаб чиқариш занжирида ўз ўрнини йўқотиш хавфини назарда тутиб, етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг кўпайишидан қўрқсан. Ушбу хатарларни инобатга олган ҳолда келишувнинг амал қилиш муддати уч марта (1977, 1981 ва 1986 йй.) узайтирилди.

*ЖСТ доирасидаги келишув.* Хитой ва бошқа ривожланаётган давлатларнинг сиёсий таъсири доирасида 1986-1994 йилларда ЖСТ бўйича Уругвай музокаралари ўтказилиши чоғида ташкилот иштирокчилари тўқимачилик маҳсулотларини импорт қилиш учун квоталарни босқичма-босқич камайтириш ва 2005 йил 1 январдан бошлаб эса, уларни бутунлай бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан кейин тўқимачилик саноати фақатгина ЖСТ қоида ва амаллар тўплами доирасида тартибга солиниши лозим эди. Бу қарор тўқимачилик ва кийимлар Келишувидан белгиланган бўлиб, унда ўтиш даврининг давомийлиги 10 йил деб белгиланган. Ушбу давр ишлаб чиқарувчиларнинг кучли рақобатга асосланган халқаро бозорда иштирок этиши учун муносиб тайёргарлик кўришни назарда тутади. Кўйилган мақсадга эришиш учун иккита механизмни жорий этиш назарда тутилган: квоталанган маҳсулотлар улушини босқичма-босқич қисқартириш ва нотариф ҳимояси ҳали сақланиб келаётган маҳсулотлар бўйича квоталар микдорини ўзаро уйғунликда ошириш. Шундай қилиб, келишувни ишлаб чиқсан мутахассислар импорт қилинадиган маҳсулотлар учун миллий бозорларни босқичма-босқич очишни кўзлаган [11].

Аммо, келишувнинг амалга оширилиши кутилган самара бермади. Бу кўп жиҳатдан давлатларга квотлар бекор қилинадиган маҳсулотлар кетма-кетлигини мустақил тарзда белгилаш имконияти берилганлиги билан боғлиқ.

Натижада квоталарни белгиланган 10 йил мобайнида қисқартириш жараёни бир меъёрда амалга оширилмаган ва назоратдан чиқиб кетган. Хусусан, тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича келишувга мувофиқ АҚШда 937 турдаги квоталар амал қилиб, улар қуйидаги тартибда, яъни: 1995-1997 йй. – бирорта ҳам квота бекор қилинмаган; 1998-2001 йй. – 15 квоталар; 2002-2004 йй. – 88 та квоталар; 2005 йил 1 январда – 834 квоталар бекор қилинган [16]. Деярли бир қатор давлатлар учун авваламбор йирик импорт қилувчи давлатлар ҳисобланган АҚШ ва Европа учун Тўқимачилик ва кийимлар савдоси келишуви ўзи ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат устунликларини мустаҳкамлаш учун эмас, балки ўз бозорларини ҳимоялаш муддатини узайтириш ва уларни кейинчалик 1995 йилда тўсатдан очиш дастагига айланди [7]. Шу боис, 1994 йилда қабул қилинган қарорга қарамай, савдони эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган туб ўзгаришлар фақатгина 2005 йилда бошланган.

Шуни таъкидлаш жоизики, тўқимачилик ва кийимлар келишувининг асосий самараси учта асосий омиллар билан белгиланади:

1. Тарифларни қўллаш имкониятларини сақлаш.
2. Демпингга қарши ва бошқа ҳимоялаш чораларни сақлаш.
3. ЖСТга қўшилишда Хитой учун алоҳида шартларни ўрнатиш[12].

2001 йилда Хитойнинг ЖСТга қўшилиш шартларидан бири унинг тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига нисбатан 2013 йил 10 декабргача ҳимоя дастакларини қўллаш имкониятлари берилган. Улар импорт қилувчи – давлатларнинг миллий бозори учун Хитойнинг хавф тугдираётганини кўрган тақдирда жорий этилган ва қўлланилган. Ушбу имкониятлардан Бразилия, Европа Иттифоқи, Колумбия, Мексика ва АҚШ каби давлатлар фойдаланган.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонни ЖСТга аъзо бўлиши, ўзбек тўқимачилик саноати учун қуйидаги асосий ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин:

- тўқимачлик саноати корхоналари ўртасида рақобатни кучайиши, шунингдек, импорт тарифлари ва бошқа савдо чекловларининг камайтирилиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайишига олиб келади;
- тўқимачилик саноатида замонавий ишлаб чиқариш, менежмент ва маркетингни қўллаш ҳисобига жаҳон тўқимачилик саноатига интеграциялашув жараёнининг жадаллаштиради;
- тўқимачилик саноатига бевосита хорижий сармояларни жалб қилишга шарт-шароит яратади, шунингдек, тармоқни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни давлат бюджет маблағларидан молиялаштириш ўринини босиши имконини яратади;

- Россия, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Япония тўқимачилик маҳсулотларнинг йирик бозори ҳисобланади ва бу давлатларда тўқимачилик маҳсулотлари импорти учун квоталар белгиланганлигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон учун экспорт имкониятларини очиб беради;

- миллий ишлаб чиқарувчиларни ташки бозорда ҳуқуқий ҳимояланишининг мустаҳкамланишига имконият яратади.

Ўзбекистонни ЖСТга аъзо бўлиши ҳисобига тўқимачилик саноатда

қуидаги салбий оқибатлар кузатилиши мумкин:

- экспорт қилувчи тұқимачлик саноати корхоналари учун солиқ имтиёзларни чеклаш;
- импорт үрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун құлланилаётган чоралардан фойдаланишни камайтириш;
- импорт қилишда айрим нотариф тұсиқларининг мавжудлиги;
- тұқимачилик саноатида интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузилишига қарши кураш самарадорлиги етарли эмаслиги ва бошқалар.

**Учинчи босқич. Савдони эркинлаштириши, бозордаги таркибий үзгаришлар.** Тұқимачилик саноати ривожланишининг учинчи босқичи иккита йирик воқеани ўз ичига олади. Биринчи воқеа – тұқимачилик саноатида халқаро савдо муносабатларини эркинлаштириш бўлиб, у ривожланаётган давлатларнинг жаҳон тұқимачилик саноатига жадал интеграциялашиб бориши учун янги имкониятларни очди, иккинчи воқеа – 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози бўлиб, инқироз натижасида тұқимачилик саноатини келажакдаги ривожланишини белгилаб берувчи янги омиллар шаклланди.

**Эркинлаштириши таъсирі.** Тұқимачилик саноати ривожланишининг иккинчи босқичида асос солинган квоталарни бекор қилиш ва халқаро савдони эркинлаштириш натижасида жаҳон тұқимачилик маҳсулотлари бозори құлами, таркиби, ишлаб чиқариш занжирлари, нарх конъюнктураси ва рақобатдаги сезиларли үзгаришларга дуч келди [6]. Тұқимачилик маҳсулотлари савдоси келишувини бекор қилғандан кейин, йирик импорт қилувчи – давлатлар (АҚШ ва Европа) Бангладеш, Ҳиндистон ва Хитой ишлаб чиқарувчилари фаоллигидан фойдалана бошлади. Улар квоталар бекор қилинган шароитда ривожланган давлатлар миллий компаниялари ва бир вақтнинг ўзида бошқа ривожланаётган давлатларнинг майда ишлаб чиқарувчиларни сиқиб чиқарған ҳолда Европа ва Америка бозорларига жадал кириб бориш имкониятига эга бўлишиди [15]. Бироқ, ривожланган мамлакатлар бозорларига кириб бориш жаҳон тұқимачилик саноатига интеграциялашган ушбу давлатдаги миллий компаниялар томонидан ташкил этилган.

Хитойга нисбатан ҳимоя қилиш чораларига қарамай, 2005-2007 йиллар даврида бошқа анъанавий таъминотчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайиб бораётган бир пайтда Хитойнинг экспорт ҳажми, Ҳиндистон ва Вьетнамнинг улуши фаол ўсиб бориши кузатилди. Хусусан, 2005 йилда Хитойнинг Европа Иттифоқи давлатларига тұқимачилик ва тайёр маҳсулотлар экспорт қиймати 43 %-га, бу авваламбор тайёр кийимлар экспорти ҳисобига, яъни унинг қиймати 45 %-га ошган. Ушбу кўрсаткич Ҳиндистон – 18 % ва Вьетнамда – 6 % ни ташкил этган, бу ҳам тайёр кийимлар экспорти ҳисобига рўй берган [10]. Болгария, АҚШ ва Туркия нисбатан паст кўрсаткичга эришган бўлса ҳам, бироқ уларда ижобий динамика кузатилган. Австралия, Бангладеш, Маврикий, Марокко, Таиланд, Тунис ва Жанубий Корея каби қолган таъминотчилар ишлаб чиқариш ҳажмларини камайтирган.

Бир оз вақтдан кейин 2006 йилда деярли барча таъминотчиларда турли даражада экспорт кўрсаткичининг ўсиши кузатилган: Бангладеш (30 %),

Вьетнам (47 %), Гонконг (47 %), Камбоджа (16 %), Хитой (13 %), Покистон (13 %), Шри-Ланка (21 %). Айни дамда Хитойда ўсиш суръатларининг пасайиши кузатилган, буни ЖСТ томонидан кўйилган мажбуриятларни бажариши билан изоҳлаш мумкин.

Бошқа тарафдан, Хитойнинг АҚШ бозоридаги аҳамияти ўша даврда янада кескин ошди: 2005 йилда тўқимачилик маҳсулотлари импорти қиймати 29%га, тайёр кийимлар экспорти қиймати эса 70%га ошди. Кейинги икки йил мобайнида юқорида келтирилган иккита кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари анча пасайган – 2007 йилда ўсиш суръати мос равишда 12% ва 20% ташкил этган. Шу пайтда АҚШ, Хиндистон, Индонезия, Вьетнам, Бангладеш ва Камбоджа кийим бозорида, Хиндистон ва Вьетнам эса, тўқимачилик маҳсулотлари бозорида ўз фаоллигини оширган. Бир пайтнинг ўзида Жанубий Корея, Туркия, Мексика, Канада, бир қатор Европа давлатлари тўқимачилик бозорларида, Мексика, Гонконг, Гватемала, Доминикан Республикаси ва Макаода кийим бозорларида савдо ҳажми пасайган.


*Ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиши стратегияси.* Хитойнинг Америка ва Европа бозорларига фаол кириб бориши Европа ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қилиш стратегиясини ўзгартиришга олиб келиб, улар рақобат кучайиши шароитида ҳам ишлаб чиқариш қувватларни мамлакат ичида фойдаланишни давом эттирган. Шундан келиб чиқсан ҳолда тўқимачилик саноатининг учта асосий стратегияси белгилаб олинган [10]:

- *горизонтал* – дизайн, ишлаб чиқариш, маркетинг ва сотиш бўйича замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ассортиментларини кенгайтиришга эътиборни қаратишни назарда тутади. Ушбу стратегия ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган давлатлар учун хосдир;
- *вертикал* – кичик ҳажмдаги бозор сегментларида асосий эътибор сифатга қаратилган. Бу аксарият ҳолларда ривожланган давлатлар ишлаб чиқарувчилари томонидан кўлланилади;
- *ҳажм самарадорлигидан фойдаланиши*, яъни ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга асосланган бўлиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги бозорларни эгаллаш ҳисобига харажатларни қисқартиришга қаратилган стратегия. Мазкур стратегия асосан ривожланаётган давлатлардаги ишлаб чиқарувчилар томонидан кўлланилади.

Юқорида санаб ўтилган стратегияларни кўллаш натижасида бозорлар таркибида кескин ўзгаришлар юзага келди. Жумладан, компанияларнинг бирлашиши, сонининг камайиши, янгиланиши, сармояларнинг кўпайиши ва ривожланган давлатлардан тўқимачилик саноатини модернизация қилиш учун дастгоҳлар импорти ҳажми ошиши кузатилди. Бир вақтнинг ўзида ривожланган давлатларда юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик компаниялар ривожланди.

***Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин тўқимачилик маҳсулотлари бозорининг ривожланиши.*** Жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари бозори жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида барқарорликни сақлаб қолди. Инқироз 2009 йилда жаҳон тўқимачилик бозори ўсиш суръатларининг атиги 0,7 %га пасайишига олиб келди. Бироқ, 2010 йилга келиб ўсиш суръати [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

4,1 %, 2012 йилда эса - 7,2 %ни ташкил этган. 2009 йилда ўсиш суръати пасайгандан кейин тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг инқирозидан олдинги ҳажмига 2010 йилда эришилди. 2008-2012 йилларда ўртача йиллик ўсиш суръати 2,9 %ни ташкил этди. Тўқимачилик ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш юқори ўсиш суръатларга эга бўлиб, йилига мос равишда 5,2 % ва 2,3 %га teng бўлди. Бундай ўсиш динамикаси Осиё-Тинч океани ҳудудидаги давлатларга тўғри келмоқда ва ўртача йиллик ўсиш суръати 6,3%ни ташкил этади. Ваҳоланки, Европа бозорида йилига 1,5 % ўсиш суръати кўзатилмоқда. Жумладан, жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари бозорининг ҳудудий таркиби қуидагича: Осиё-Тинч океани ҳудуди – 60,7 %; Европа ҳудуди – 18,7 %; Америка ҳудуди – 18,5 %; Яқин Шарқ ва Африка – 2,1 % (1-расм).



**1-расм. Жаҳон тўқимачилик ва тайёр маҳсулотлар бозорининг ҳудудий таркиби**

Манба: Datamonitor Marketline, 2012. (<http://www.marketline.com/blog/tag/datamonitor/>) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиленган.

Бунда Осиё-Тинч океани ҳудудидаги давлатларнинг улуши охирги 5 йил ичида 55 %дан 60 %гача ошган, Европанинг улуши эса, аксинча, 22 %дан 19 %гача тушган. Хитойнинг бозорларга кириб бориш даражаси нисбатан секинлашиши ва иш ҳақи ўсишининг давомийлиги юзасидан салбий прогнозлар тарқалиши ҳисобига Жанубий Осиё, аввалимбор Ҳиндистон ва Вьетнамнинг улуши нисбатан ошмоқда. Хусусан, Вьетнамдан тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим экспорти ҳажми йилига ўртача 8,5 % ўсмоқда. Ваҳоланки, АҚШ ва Европа бозорларда салбий ўзгаришлар сезилмоқда. АҚШ, Канада ва Мексика Эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги Шимолий Америка

келишуви (НАФТА) доирасида миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида АҚШдаги мато ишлаб чиқарувчилар ва Мексикадаги тайёр кийимларни ишлаб чиқарувчилар ўртасида интеграциялашган тузилмаларни ташкил этишни қўллаб-қувватлади. Бироқ, ушбу тузилмаларнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлиги паст даражада қолмоқда.

Тайёр тўқимачилик маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар таркиби қўйидагилардан иборат: Осиё-Тинч океани ҳудуди – 53,8 %; Шимолий ва Жанубий Америка ҳудуди – 23,5 %; Европа ҳудуди – 18,8 %; Яқин Шарқ ва Африка – 3,9 % (1-расм).

Халқаро тайёр тўқимачилик маҳсулотлари савдо айланмаси 2012 йилгача барқарор ўсиши билан тавсифланади. Хусусан, 2005-2012 йиллар мобайнида экспортнинг ўсиш суръати 5 %ни, шу жумладан 2010 йилда 19 % ва 2011 йилда 17 %ни ташкил этди. 2012 йилдан бошлаб, жаҳон бўйича тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорти суръатлари сезиларли даражада (1 %гача) камайди ва 286 млрд. долл.ни ташкил этди. Шунга қарамай, Хитой ўзининг етакчилигини сақлаб қолди ва унинг жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари экспортдаги улуши 2001 йил 32 %дан 2012 йилда 33 %гача, жаҳон тайёр кийимлар экспортдаги улуши эса, мос равишда 37 %дан 38 %гача ўсди. 2012 йилда энг йирик тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим экспорт қилувчи давлатларга Европанинг айrim давлатлари, Ҳиндистон, Туркия, Бангладеш, АҚШ, Вьетнам, Жанубий Корея, Покистон ва Индонезиялар киритиш мумкин. Ушбу давлатлардан Вьетнамда тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим экспортиning кескин ўсиши дикқатга сазовор, хусусан 2012 йилда бу кўрсаткич 7,5%ни ташкил этди. Айни пайтда Европа Иттифоқи давлатларида тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим экспорт ҳажми 8 %га камайди [19].

АҚШ (38 %) ва Европа Иттифоқи давлатлари (20 %) тўқимачилик маҳсулотлари импорт қилувчи йирик давлатлар бўлиб қолмоқда. Шунингдек, ривожланаётган давлатларда қиймат ифодасида эмас, балки ҳажм нуқтаи назаридан ушбу маҳсулотлар импорти барқарор ўсмоқда, яъни 2012 йилда бу миқдор 50 %дан ошган ва ўсиши давом этмоқда [18]. Буни ушбу маҳсулотларнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланган ўрта синф тоифасига киравчи аҳоли сонининг ўсиши билан изоҳлаш мумкин.

*Конъюнктурадаги ўзгаришилар.* Халқаро савдони эркинлаштириш натижаларидан бири, бу ўртacha нархларни пасайиши ҳисобланади. Хусусан, 2000-2009 йиллар мобайнида тайёр кийимнинг ўртacha импорт қилиш нархи Европада 26,2 %га (18,26 дан 13,48 евро/кг) ва АҚШда 17,1 %га (3,57 дан 2,96 долл./кв.м) тушган [3]. Бироқ 2010 йилда тўқимачилик маҳсулотлари нархida ўсиш қайд этилган. Бу эса, экспертлар учун нарх конъюнкутрасини янги ўзгаришиларини прогноз қилишга имкон берди. Нархлар ошишининг глобал сабабларига 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, талабнинг ўзгариши ва ишлаб чиқариш харажатларининг ошиши, шу жумладан Хитой ва Бангладеш каби йирик экспорт қилувчи давлатларда иш ҳақи ўзгариши таъсирини киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон

тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

- йирик тўқимачилик маҳсулотлари бозори ҳисобланган давлатларнинг импорт квоталаридан самарали фойдаланган ҳолда миллий тўқимачилик корхоналар экспорт салоҳиятини янада ошириш;
- хорижий инвестициялар ҳисобига тўқимачилик саноатини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни кўллаб-куватлаш;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги тўқимачилик корхоналарни жойлаштириш учун маҳсус тўқимачилик худудларини яратиш ва уларга имтиёзлар ва перефренциялар бериш;
- тўқимачилик саноатида замонавий ишлаб чиқариш, менежмент ва маркетингни жорий қилишни жадаллаштириш ва маҳсулот ассортиментини кенгайтириш;
- тўқимачилик ва тайёр маҳсулотлар сифати ҳамда меҳнат унумдорлигининг ҳалқаро андозаларига технологик мос келишини таъминловчи Миллий дастурларини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиш;
- маҳсулот таннархини пасайтириш мақсадида иш ҳақидан олинадиган соликлар ва ижтимоий тўловларни сезиларли равишида босқичма-босқич камайтириб бориш;
- истиқболда миллий тўқимачилик машинасозлиги тармоғини яратиш ва бошқалар.

Демак, жаҳон тўқимачилик саноати ривожланишида кўпгина ўзгаришлар юзага келган. Ҳар бир босқичда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг миллий ҳамда жаҳон бозорларидаги стратегиялари турли хил бўлган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари бозорида Осиё давлатларининг ўрни ошиб бормоқда ва бундай ижобий ўзгариш жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози шароитида ҳам сақланиб қолмоқда. Бу эса, ушбу давлатлар тажрибаларидан самарали фойдаланган ҳолда Ўзбекистон тўқимачилик саноатини жадал ривожланишини кўллаб-куватловчи омил сифатида муҳим аҳамият касб этади. Зоро, Ўзбекистонда ушбу тармоқни барқарор ривожланиши учун йирик хомашё базаси, малакали мутахассислар, тадбиркорлик ва инвестиция муҳити яратилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. - Т., 2013.
2. Adhikari R., Yamamoto Y. The Textile and Clothing Industry: Adjusting to the Post-Quota World // Industrial Development for the 21st Century. New York: United Nation, 2007. P. 184.
3. Anson R. Editorial: End of the Line for Cheap Clothing // Textile Outlook International. 2010. Vol. 147 (October). P. 4–10.
4. Conlon M. The History of U.S. Cotton in Japan // Global Agricultural Information Network. 2010. April. <http://www.usdajapan.org/en/reports/The%20History%20of%20US%20Cotton%20in%20Japan.pdf>.

5. Cooper W.D. Textile and Apparel Supply Chain Management Technology Adoption // Journal of Textile and Apparel, Technology and Management. 2006. No. 5 (2). P. 1–22.
6. Curran L. Forecasting the Trade Outcomes of Liberalization in a Quota Context - What Do We Learn From Changes in Textiles Trade After the ATC? // Journal of World Trade. 2008. Vol. 42(1). P. 129–150.
7. Diao X., Somwaru A. A Global Perspective of Liberalizing World Textile and Apparel Trade // Nordic Journal of Political Economy. 2002. Vol. 28. P. 127–145.
8. Ernst C., Ferrer A.H., Zult D. The End of the Multi-Fibre Arrangement and its Implications for Trade and Employment // Employment Analysis Unit. 2005. Vol. 16. [http://ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed\\_emp/---emp\\_elm/documents/publication/wcms\\_114030.pdf](http://ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_emp/---emp_elm/documents/publication/wcms_114030.pdf).
9. Gereffi G. International Trade and Industrial Upgrading in the Apparel Commodity Chain // Journal of International Economics. 1999. Vol. 48. P. 37–70.
10. Kowalski P., Molnar M. Economic Impacts of the Phase-Out in 2005 of Quantitative Restrictions under the Agreement of Textiles and Clothing // OECD Trade Policy Working Paper No. 90. 2009. July. P. 18-47.
11. MacDonald S., Pan S., Somwaru A., Tuan F. China's Role in World Cotton and Textile Markets: a Joint Computable General Equilibrium/Partial Equilibrium Approach // Applied Economics. 2010. Vol. 42. P. 875–885.
12. Martin M. U.S. Clothing and Textile Trade with China and the World: Trends Since the End of Quotas // CRS Report for Congress. Congressional Research Service. 2007. July. <https://www.fas.org/sgp/crs/row/RL34106.pdf>
13. Matt S. The Evolution and Demise of the Multi-Fibre Arrangement: Examining the Path of Institutional Change in the Textile and Apparel Quota Regime. Economics Senior Thesis, University of Puget Sound. 2006. May 12. [http://www.pugetsound.edu/files/resources/1359\\_TheEvolutionAndDemise.doc](http://www.pugetsound.edu/files/resources/1359_TheEvolutionAndDemise.doc).
14. Naumann E. The Multifibre Agreement — WTO Agreement on Textiles and Clothing // Tralac Working Paper. 2006. No. 4. April. <http://www.fibre2fashion.com/industry-article/pdffiles/the-multifibre-agreement.pdf>
- 15 Pickles J., Smith A. Delocalization and Persistence in the European Clothing Industry: The Reconfiguration of Trade and Production Networks // Regional Studies. 2011. Vol. 45 (2). P. 167–185.
16. WTO. Comprehensive Report to the Council for Trade in Goods on the Implementation of the Agreement on Textiles and Clothing During the Second Stage of the Integration Process // Textiles Monitoring Body. 31 July 2001. Geneva: WTO, 2001.
17. Бандлик тұғрисидаги Акт (Employment Act) 1946 ый.
18. Datamonitor Marketline, 2012. <http://www.marketline.com/blog/tag/datamonitor>.
19. International Trade Statistics. WTO, 2013. <http://www.wto.org>
20. WTO (2012). International Trade Statistics. URL: <http://www.wto.org>